КУТУБХОНАСИ

2005 YIL 18 YANVAR, SESHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№9. (6.846). Sotuvda erkin narxda

*Янги рукн:*

# Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,
Сени гулдек эркалаган чаман учун.
Осмонларда юрган бўлсанг, тупроққа қайт,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Кўзи қора, юраги оқ шу эл учун,
Тупроқ учун, шу юрт учун, чаман учун,
Улуғ инсон бошлаб берган шу йўл учун,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.
Дил қонаса, она тупроқ эм бўлади,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Қачонгача қорнинг ўйлаб ўтадирсан?
Қачонгача кўкдан чалпак кутадирсан?
Ахир Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Бунча бино қўйма заррин чопонларга,
Саратонда япроқ бўлгин деҳқонларга,
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,
Ерда қолсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.
Қачон белни маҳкам тортиб боғлагайсан?
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,
Бир бор назар солгин босган изингга сен,
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,
Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?

**Иқбол МИРЗО**

***Умр ўткинчи, фурсат шошқалоқ. Эҳтимол, шу боис ҳам кўпинча инсоннинг бу ёруғ оламда топажак ҳаловати ва ёрқин хотиралари бир ҳовучча ҳам чиқмас.***

Аммо уйғоқ, фақат уйғоқ юракнинг бир четида қўрғошин мисол қотган, уни ҳатто юлиб олиб ташлаш ҳам мумкин бўлмаган туйғу борки, на умрнинг ўткинчилиги, на вақтнинг қайсарлиги унга дахл қила олади. Бу туйғу киндик қонинг томган тупроқни кўзга суртишга, элга эзгулик соғиниб яшашга ундайди.

"Истиқлол" сўзи илк баралла янграй бошлаган кезлари мен мактаб ўқувчиси эдим. Юртда юз бераётган янгиланишларни мурғак тасаввуримга сиғдира олмасдим-у, бироқ ўқитувчимнинг "Ватанни Она каби муқаддас бил", деган сўзлари онгимнинг энг олис пучмоқларига довур етиб борганди. Ўқиш, изланиш, орзулар сари интилиш... Бу жараёнда шунга иқрор бўлдимки, ҳеч ким Ватандан айро тушолмас экан. Яна билдимки, айро тушганларнинг кўзидан ёш эмас, қон оққанига тарих кўп гувоҳ бўлган.

Лекин, инсон табиати қизиқ-да, Ватанга муҳаббатини гоҳо миннат қилгиси келади. "Менга Ватан нима берди?.." – ўта жўн, айни дамда такаббурона савол қуршовида ғафлат босиб қолганини сезмайди.

Очиғи, ҳозир айрим тенгдошларимда мана шу кайфиятни кузатиб, таассуф туяман.

Мустақилликнинг 13 йиллиги нишонланган тантанада Юлдуз Усмонова қўшиқ куйлаб чиққанида юрагим ҳаприқиб кетди. "Менга Ватан нима берди?" дегувчиларга бу қўшиқ наинки жавоб, балки фидойиликка яна бир бор даъват ҳам бўлди.

Назаримда, Ватан учун яшашга ундовчи бу сўзларни такрор-такрор ёдга олмоқ, кўнгилга жойламоқ зарур. Шу мақсадда севимли газетамиз саҳифаларида алоҳида рукн очилса... Унда ҳар биримиз – кимлигимиздан қатъи назар – шу азиз Ватан учун нима қилдик, нима қилаяпмиз, нима қила оламиз... бу борада ўз-ўзимизга сарҳисоб айласак. Токи, тириклик аталмиш имконни беҳуда бой бермайлик.

**Бинафша ҚАЛАНДАРОВА**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Чиндан ҳам Бинафша Қаландарова таклифи ва шоир Иқбол Мирзонинг дилбар шеъри эътиборга молик ҳамда чуқур мазмунга эга. Биз газетамизнинг бугунги сонидан бошлаб "Айтгил, дўстим, нима қилдик Ватан учун?" янги рукни остида юртдошларимизнинг она-Ватанимиз равнақи йўлида бунёдкорлик ишлари, фидойиликлари, умуман, ҳаётимизда юз бераётган улкан ўзгаришлардаги фаол иштирокини мунтазам ёритиб боришга қарор қилдик. Қуйида ана шу мавзудаги дастлабки чиқишлар билан танишасиз.**

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

**● 14 январ куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.**

**● Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари комплексининг 2004 йилда соҳани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2005 йилдаги устувор йўналишларга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

**● Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Республика техник ва амалий спорт турлари марказида 2005 йилги мусобақалар мавсуми очилди.**

**● Пойтахтимизда Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) фаолиятининг 2004 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда спорт мутахассислари, мураббийлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Республика Киночилар уйида «Орзу ортида» деб номланган янги бадиий фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди.**

**● Фарғона шаҳрида замонавий халқаро алоқа станцияси иш бошлади.**

**● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармасининг 2004 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.**

**● Қашқадарё вилоят ҳокимлигида болалар спортини ривожлантириш борасида 2004 йилда амалга оширилган ишлар якунига бағишланган йиғилиш бўлди.**

**● Тошкентдаги «Турон» илмий-универсал кутубхонасида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган адабий учрашув бўлиб ўтди.**

**● Томди туманининг Утемурод овулида қоракўл терини қайта ишлайдиган корхона иш бошлади.**



Ризқ-рўз яратувчи қишлоқ меҳнат аҳли учун йилнинг бошқа фасллари каби қиш ойлари ҳам иш айни қизийдиган палла саналади. Бу даврда техникалар таъмирдан чиқарилади, ариқ-зовурлар тозаланади, маҳаллий ўғитлар жамғарилиб, мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин яратилади.

Балиқчи туманидаги "Пахтакор" ширкат хўжалиги деҳқонлари баҳорги экиш мавсумига пухта ҳозирлик кўрмоқдалар. Сиз суратда кўриб турган моҳир механизатор Маҳмуджон Тиллаев бошқа ҳамкасблари қатори тракторини таъмирдан чиқариб, кўкламга тахт қилиб қўйди.

**Азамат ТОШМАТОВ олган сурат.**

# Сенатга сайловлар бошланди

***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайловга оид қонунчиликда кўзда тутилганидек, мамлакатимиз бўйлаб сайлов кампаниясининг навбатдаги муҳим босқичи - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайлови бошланди.***

17 январ куни Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Жиззах, Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатларининг қўшма мажлислари бўлиб ўтди.

Уларда мазкур давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларидан ҳар бир ҳудуд бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига олти нафардан вакил сайланди. Яширин овоз бериш қонунда ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Низомда белгиланган тартибда амалга оширилди.

Қўшма мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари иштирок этди.

**(ЎзА)**

# Лизинг асосида тўқимачилик ускуналари

***Тошкентда Жанубий Кореянинг текстил ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ssangyong Machine Ind Ltd" компаниясининг тақдимоти бўлиб ўтди. Мазкур компаниянинг маҳсулотларини Ўзбекистон бозорида лизинг асосида сотиш вазифасини "Ўзбек Лизинг Интернейшнл" акциядорлик жамияти ўз зиммасига олган.***

Тақдимот маросимида сўзга чиққан Ssangyong компаниясининг МДҲ бўйича вакили Жин Кунг Линингтаъкидлашича, компания 13 русумдаги ва 30 турдаги нархи 22 мингдан 120 минг АҚШ долларигача бўлган тўқув ускуналари ишлаб чиқаради. Лизинг асосида олинган ускуналар 45 кун мобайнида етказиб берилади. Бир кунда ўртача иккита машина ўрнатилади.

Ускуналарни лизинг асосида беришнинг шартларидан бири 50 минг АҚШ долларидан 1,2 миллион АҚШ долларигача бўлган гаров мулкларининг нархини шартнома суммасининг камида 50 фоизини бино ва иншоотлар ташкил этиши шарт. Шунингдек, З. Мустафоев лизинг олувчининг дефольт ҳолатига тушиб қолганида, ишлаб чиқарувчи ёки етказиб берувчининг ускуналарни қайта сотиб олиш тўғрисидаги келишувни ҳамда банк кафолатини компания томонидан кўриб чиқилишини эътироф этди.

Маълумот: Жунубий Кореянинг "Ssangyong Machine Ind Ltd" компанияси 1968 йилда ташкил топган. Унинг бош корхонаси Сеул шаҳридан 70 километр узоқликда жойлашган Почон шаҳрида жойлашган. 13 та ривожланган давлатларда компаниянинг ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

**"Туркистон-пресс"**

*Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг*

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

*танловига марҳамат!*

Азиз журналистлар! Матбуотда ўз дил сўзларини айтишда фаоллик кўрсатаётган жонкуяр ҳамкасблар, тарихга айланган 2004 йил Сизга қандай ижодий ютуқлар олиб келди? Ватанимизнинг мустақиллик йўлида собитқадамлар билан олға боришига муносиб ҳисса қўшаётган, кишиларимиз тафаккурида юз бераётган уйғониш, тикланиш ва янгиланиш жараёнларини юксак савияда маҳорат билан таъсирчан усулларда ифодалаган мақола, эшиттириш ва кўрсатувлар эълон қилдингизми?

Газета, журнал, радио, телевидение журналистлари, марҳамат, 2004 йил мобайнидаги энг сара ижод намуналарингизни «Йилнинг энг фаол журналисти-2004» танлови ҳайъатига тавсия этинг.

Ғолиблар 2005 йил 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида маълум бўлади ва тақдирланади.

Танловга тавсия этиладиган ижодий ишлар таҳририят тавсияси билан Уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилиши сўралади.

**Мурожаат учун манзил: 700129,
Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 30-хона.
Телефонлар: 144-37-87; 144-69-65**

# Аҳдим қатъий

***Йил йилни қувиб бораяпти. Бу югурик вақтнинг ҳар сонияси ардоқли. Уни ғанимат билиб, оқилона фойдаланган, юрти, Ватани равнақига хизмат қилдирган замондошларимизнинг меҳнати бугун қадр топмоқда, муносиб баҳоланмоқда.***



Ўзимиздан қиёс. Мустақиллик очиб берган имкониятлардан фойдаланиб, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли меҳнатларимиз рўёбга чиқаётир. Пахтадан, ғалладан мўл-кўл ҳосил етиштириб, хонадонларимиз турмуш даражасини ошириб боришга эришмоқдамиз.

Шу ўтган йилларнинг энг муҳим натижаси биз - пудратчи, ижарачи деҳқонларда ерга эгалик ҳисси барқарорлашганида, меҳнатларимиз натижаларидан тўла-тўкис баҳраманд бўлишга ишончимиз ортганлигидадир. Ўтган йилги натижалар бунга мисол бўла олади. Биз 68 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл ғалла ва пахта хом ашёси етиштирдик. 41 гектар майдондаги пахта ҳосилдорлиги шартнома режасидан 15 центнер юқори бўлиб, 48 центнерни ташкил этди. 27 гектар ғалла майдонимизнинг ҳар гектаридан 48 центнердан сара дон ўриб-янчиб олдик. Ҳосилдорлик режадагидан 10 центнер юқори бўлди.

Шунга яраша манфаат кўраяпмиз. Пахтачилик 23 миллион, ғаллачилик деярли 1,6 миллион сўм даромад келтирди. Пудратчиларга 12 тонна ғалла тарқатдик.

Сирасини айтганда, юрт ободонлиги, дастурхонларимиз тўкинлиги учун асос яратилаяпти. Шу сарҳисоб дамлари ҳар бир деҳқон ўз меҳнати натижаларини шундай ғурур билан назардан ўтказса, қандай яхши.

Табиийки, меҳнатларимиз роҳатини ҳам кўраяпмиз. Яна ўзимдан қиёс: мендек оддий бир пудратчининг меҳнати қадрланиб, эъзозланиб, давлатимизнинг юксак мукофоти - "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан тақдирланди. Юртбошимиз қўлларидан шу олий мукофотни ола туриб, Ватан равнақи учун янада ғайрат билан меҳнат қилишга, ҳосилдорликни бундан-да юқори кўтаришга аҳд қилдим. Биламанки, ҳар биримизнинг шундай меҳнатимиз мамлакат иқтисодини мустаҳкамлашга муносиб бир ҳисса бўлиб қўшилади.

**Шавкат ШОДИЕВ,
Бухоро вилояти Вобкент туманидаги "Зарбдор" ширкат хўжалигининг бош пудратчиси, "Фидокорона хизматлари учун" ордени соҳиби.**

* * *

(Давоми 2-бетда)

# Излаган имкон топар

**ТАҲЛИЛ**

***Яқинда Мингбулоқ туманининг Довдуқ қишлоғида 1050 ўқувчига мўлжалланган коллеж биноси битди. Ушбу касб-ҳунар кошонасининг бунёдкори Комилжон Тожибоевнинг хусусий фирмаси бўлиб (номи "Сардор"), тўққиз ойда 2,6 миллиард сўмлик иш бажарди ва бутун вилоятни ҳайратда қолдирди.***

Зеро, йил бошида ушбу объект учун бўлган тендер-танловидаги кўплаб талабгорлар орасида "Сардор"нинг қўли баланд келганди. "Сардор"нинг сардори икки йилга мўлжалланган объектни "9-10 ойда битказаман" деганда кўпчилик ажабланганди.

Мана, Комилжон сўзининг уддасидан чиқиши устига фирмасида яна юздан ортиқ ишчи ўрни яратиб, ишловчилар сонини ярим мингга етказди. Бугинамас, "Сардор"да ўртача ойлик маош 70 минг сўмдан юқори бўлиб, 150-180 минг сўм ойлик оладиганлар бор. Наманганда битта хусусий тадбиркор ўз фирмасида ишни мана шундай ташкил этмоқда.

Ваҳоланки, бир қатор қурилиш ташкилотлари, неча ўн йиллик тарихга эга бўлган трестларнинг фаолияти тўхтаб қолди. Шу тармоқ хизматида турган автокорхоналарнинг, саройларнинг, гараж ва базаларнинг қанчаси арзон-гаров сотилиб, бузилиб кетдики, уларни санаб саноғига етиш мушкул. Натижада қурилишда ишчи ўринлари камайди. Бу ҳол вилоят ҳокимлигида ҳам алоҳида танқид остига олинди.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасининг ахборотида таъкидланишича, кейинги пайтда қурилишдаги ишчи-хизматчилар сони қарийб икки баробар қисқарган. Бу борада Наманган, Косонсой, Уйчи туманларида аҳвол ёмон.

**(Давоми 2-бетда)**

**ТАБИАТ ВА БИЗ**

# Табиий ҳудудлар муҳофазада

***Ҳозирги пайтда табиат, жамият ва инсон фаолиятининг ўзаро узвий боғлиқлиги натижасида вужудга келадиган экологик муаммоларни ҳал этиш катта аҳамиятга эга.***

Ана шундай мувозанатнинг бузилиши ўзаро салбий оқибатларни, ҳалокатларни келтириб чиқариб, тирик мавжудотнинг яшашига хавф солади.

Шундай экан, бозор иқтисодиёти шароитида табиий бойликларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, уларни муҳофаза қилиш кечиктириб бўлмайдиган вазифадир.

Шу нуқтаи назардан, табиат боғлари, давлат табиат ёдгорликлари, давлат қўриқхоналари, муҳофаза этиладиган ландшафтлар, мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари, айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мўлжалланган ҳудудлар, айрим табиий объектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган ҳудудларга алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Бу муаммоларни ҳал этишда 2004 йил 3 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги қонуни бениҳоя катта аҳамиятга эга.

Ушбу қонун X бўлим, 49 моддадан иборат бўлиб, I-бўлими "Умумий қоидалар" (1-10-моддалар) деб номланади.

**(Давоми 2-бетда)**

# Табаррук қадамжолар тарихи

**ИЗЛАНИШ**

***Юртимиз тупроғининг ҳар қаричи муқаддас, ҳар қадамда тарих изи бор. Истиқлол шарофатидан кўплаб қадимий зиёратгоҳлар обод этилди, алломаларимиз шаъни улуғланди, уларнинг маънавий мероси ўрганилмоқда.***

Ўтмишда Бухоройи шарифга авлиёлар шаҳри деб таъриф берилгани бежиз эмас. Бу табаррук заминда етти мингдан зиёд авлиё кишилар яшаб ўтган, дейдилар. Яқинда таниқли адиб Садриддин Салим Бухорода яшаган улуғ аждодларимиз ҳаёти, маънавий мероси, улар номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳақида ҳикоя қилувчи "Икки юз ўн етти пир" китобини ёзиб тугатди. Унда нафақат дин илмининг пиру устодлари, балки дунёвий илм намояндалари, олиму шоирлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.

Қуйида мазкур китобдан айрим парчаларни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

### Ҳазрат Хожа Булғорий

Ҳазрат Хожа Булғорийнинг исмлари Ҳасандир. Али Сафийнинг "Рашаҳоту айнул ҳаёт" китобида ёзилишича, қутбул восилин, шайхи мажзуби маҳбуб Хожа Булғорийнинг жуда кўп мурид, муҳиблари бўлган, инчунун, Ҳазрат Хожа Аҳрорнинг катта боболари Шайх Умар Боғистоний ҳам Хожа Булғорийдан сабоқ олганлар...

Ҳазрат Хожа Булғорий Бухорога келиб Ҳазрат Шайхул олам шайх Сайфиддин Бохарзий (вафоти 1261 йил), Ҳазрат Хожа Ғариб каби буюк зотлар билан ҳамсуҳбат бўлган. Маълумки, ҳазрат Хожа Ғариб ҳазрат Абдухолиқ Ғиждувонийнинг шогирди ҳазрат Авлиёи Кабирнинг ўғлидир.

**(Давоми 4-бетда)**

**САРҲИСОБ**

# Ҳаракатга яраша баракат

***2004 йил табиат деҳқонларимиздан ўз саховатини аямади. Об-ҳавонинг қулай келганлиги қишлоқ хўжалигининг асосий экин турлари ҳисобланмиш ғалла ҳамда пахтадан мўл-кўл ҳосил йиғиб олиш имконини берди.***

Ҳосилдорликда ҳам сезиларли даражада ўсишга эришилди. Аслида далада меҳнат қилаётган ҳар бир деҳқон, у хоҳ фермер бўлсин ёки ижарачи, энг аввалло, қилган меҳнатлари эвазига орттирилган даромаду буромадини ҳам айнан мана шу натижа билан ўлчайди. Албатта, бунда сифат масаласи ҳам асосий эътиборда турадики, буни қишлоқ хўжалигининг мутахассисидан тортиб оддий деҳқонгача жуда яхши англайди. Хўш, пахтачиликда ўтган йилги натижалар қандай бўлди?

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, 2004 йилда 3 миллион 540 минг тоннадан кўпроқ "оқ олтин" саранжомланди.

**(Давоми 3-бетда)**

BANK

ХАЛҚ БАНКИ
сизнинг
оилангиз банки

УзРТСБ Биржевые котировки сум/кг | БЕНЗИН (76) 396,1 ▲+3,3 | БЕНЗИН (91) 446,0 ▼-17,0 | ДИЗ.ТОПЛИВО 279,0 ▲ +2,1 | МАЗУТ 88,1 ▲+24,5 | СЖ.ГАЗ 130,1 ▼-36,2

